

**ТОШКЕНТ МОЛИЯ ИНСТИТУТИ ҲУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ
ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ DSc.27.06.2017.1.17.01 РАҚАМЛИ ИЛМИЙ
КЕНГАШ**

ТОШКЕНТ МОЛИЯ ИНСТИТУТИ

АХМЕДОВ ХАСАН РУЗИБАЕВИЧ

**ХЎЖАЛИК СУБЪЕКТЛАРИДА МОЛИЯВИЙ РЕЖАЛАШТИРИШНИ
ТАШКИЛ ЭТИШНИ ТАКОМИЛЛАШТИРИШ ЙЎНАЛИШЛАРИ**

08.00.07 – Молия, пул муомаласи ва кредит

**Иқтисодиёт фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD) диссертацияси
АВТОРЕФЕРАТИ**

Тошкент-2019

**Иқтисодиёт фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD) диссертацияси
автореферати мундарижаси**

**Оглавление автореферата диссертации доктора философии (PhD) по
экономическим наукам**

**Content of dissertation abstract of doctor of philosophy (PhD) on
economical sciences**

Ахмедов Хасан Рузибаевич

Хўжалик субъектларида молиявий режалаштиришни ташкил этишни
такомиллаштириш йўналишлари3

Ахмедов Хасан Рузибаевич

Пути совершенствования финансового планирования
В хозяйствующих субъектах.....29

Akhmedov Khasan Ruzibaevich

Ways of improvement the financial planning in economic subjects55

Эълон қилинган ишлар рўйхати

Список опубликованных работ
List of published works.....60

**ТОШКЕНТ МОЛИЯ ИНСТИТУТИ ҲУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ
ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ DSc.27.06.2017.1.17.01 РАҚАМЛИ ИЛМИЙ
КЕНГАШ**

ТОШКЕНТ МОЛИЯ ИНСТИТУТИ

АХМЕДОВ ХАСАН РУЗИБАЕВИЧ

**ХЎЖАЛИК СУБЪЕКТЛАРИДА МОЛИЯВИЙ РЕЖАЛАШТИРИШНИ
ТАШКИЛ ЭТИШНИ ТАКОМИЛЛАШТИРИШ ЙЎНАЛИШЛАРИ**

08.00.07 – Молия, пул муомаласи ва кредит

**Иқтисодиёт фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD) диссертацияси
АВТОРЕФЕРАТИ**

Тошкент-2019

Иқтисодиёт фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD) диссертацияси мавзуси Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Олий аттестация комиссиясида В2019.1.PhD/Iqt.831 рақам билан рўйхатга олинган.

Диссертация Тошкент молия институтида бажарилган.

Диссертация автореферати уч тилда (ўзбек, рус, инглиз) Илмий кенгаш веб-саҳифаси (www.tfi.uz) ва «Ziyonet» ахборот-таълим порталида (www.ziyonet.uz) жойлаштирилган.

Илмий раҳбар:	Ташмурадова Бувсара Эгамовна иқтисодиёт фанлари доктори, профессор
Расмий оппонентлар:	Жумаев Нодир Хосиятович иқтисодиёт фанлари доктори, профессор
	Пўлатов Дилшод Ҳақбердиевич иқтисодиёт фанлари доктори
Етакчи ташкилот:	Тошкент давлат иқтисодиёт университети

Диссертация ҳимояси Тошкент молия институти ҳузуридаги илмий даражалар берувчи DSc.27.06.2017.I.17.01 рақамли Илмий кенгашнинг 2019 йил «__» _____ куни соат ____ даги мажлисида бўлиб ўтади. Манзил: 100000, Тошкент шаҳри, Амир Темур кўчаси, 60-А уй. тел.: (71) 234-53-34, факс: (71) 234-11-48, e-mail: admin@tfi.uz.

Диссертация билан Тошкент молия институти Ахборот-ресурс марказида танишиш мумкин (__ рақами билан рўйхатга олинган). (Манзил: 100000, Тошкент шаҳри Амир Темур кўчаси, 60-А уй. тел.: (71) 234-53-34

Диссертация автореферати 2019 йил «__» _____ куни тарқатилди.
(2019 йил «__» _____ даги _____ рақамли реестр баённомаси).

А.А.Каримов

Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш
раиси ўринбосари, и.ф.д., профессор

С.У.Меҳмонов

Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш
котиби, и.ф.д., профессор

Ж.И.Каримқулов

Илмий даражалар берувчи илмий
Кенгаш қошидаги Илмий семинар раиси,
и.ф.н., доцент

КИРИШ (фалсафа доктори (PhD) диссертацияси аннотацияси)

Диссертация мавзусининг долзарблиги ва зарурати. Жаҳон амалиёти кескин рақобат шароитида ҳар бир хўжалик субъекти олдида нафақат бугунги кунда, балки истиқболда ҳам бозордаги ўрнини сақлаб қолиш ҳамда кенгайтиришни шарт қилиб қўймоқда. Бунда глобал иқтисодиётдаги тебранишлар янги истиқболли лойиҳалар устида ишлаш, лойиҳаларни молиявий таъминлаш имкониятларини баҳолаш ва тегишли чоралар кўриш, инвестиция фаолиятдан кутилаётган натижадорликни таъминлаш, молиявий таъминот ва инвестицион фаолиятни режалаштиришда юзага келиши мумкин бўлган молиявий рискларни олдиндан кўра билиш кабиларни шарт қилиб қўймоқда ва бу жиҳатлар бевосита молиявий режалаштириш амалиёти билан боғлиқ бўлиб қолмоқда. «Жаҳон банкининг истиқболдаги бизнес муҳити, молиявий стратегиялар борасида қатор ҳисоботларида ҳам бевосита молиявий режалаштириш билан боғлиқ жиҳатларга жиддий эътибор қаратилган»¹. Шунингдек, «Халқаро тикланиш ва тараққиёт банки томонидан айрим давлатларда фаолият кўрсатаётган молиявий режалаштириш бўйича ассоциациялар мақсади ҳам хўжалик юритувчи субъектлар ва мамлакатнинг молиявий-иқтисодий тараққиётига хизмат қилади»². Бунда асосий эътибор жаҳон бозоридаги ўзгаришларни олдиндан баҳолаш орқали молиявий режаларни ҳар томонлама асосли тузиш ва фаолиятни амалга оширишга қаратилади.

Халқаро амалиётда хўжалик юритувчи субъектлар фаолиятини молиявий режалаштиришга доир илмий тадқиқотлар олиб борилмоқда. Илмий изланишларда жаҳон бозори конъюктурасидаги ўзгаришлар, бугунги кундаги бизнес муҳити, рақобатнинг миллий доирадан жаҳон даражасига чиққанлиги асосида ўрта ва узоқ муддатли молиявий режалаштириш, стратегик молиявий таҳлил ва стратегик режалаштиришда таъсир этувчи омилларни олдиндан баҳолаш кабиларга алоҳида эътибор қаратилган. Гарчи бу борада атрофлича тадқиқотлар амалга оширилаётган бўлсада рақамли иқтисодиётнинг кенг доирада турли соҳаларга кириб бориши, жаҳон бозоридаги кескин ўзгаришлар молиявий режалаштириш борасида атрофлича таҳлиллар асосида молиявий қарорлар амалга оширишни талаб қилмоқда. Бу жиҳат ўз-ўзидан миллий ва халқаро даражада комплекс тадқиқотлар олиб бориш орқали молиявий режалаштириш амалиётини самарали ташкил этишни шарт қилиб қўймоқда.

Мамлакатимизда хўжалик субъектлари фаолиятини ривожлантиришга, истиқболда жаҳон бозорида мустаҳкам ўрин эгаллашига эришишда корпоратив молиявий стратегиянинг тўғри белгиланиши, стратегик молиявий режаларнинг ўз вақтида тўлиқ амалга оширилиши алоҳида аҳамият касб этишидан келиб чиққан ҳолда молиявий-иқтисодий барқарорликни таъминлаш, макродаражада молиявий кўрсаткичлар прогнозларини олдиндан белгилаш, солиқ қонунчилиги

¹Doing Business 2019 - https://www.worldbank.org/content/dam/doingBusiness/media/Annual-Reports/English/DB2019-report_web-version.pdf; Management's Discussion and Analysis - <https://norzinc.com/site/assets/files/5254/nzcmda2018q4.pdf>.

²<https://fpa.com.au/> - Австралия молиявий режалаштириш ассоциацияси.

барқарорлигини таъминлаш, солиқ юкини пасайтириш кабиларга ҳам жиддий эътибор қаратилмоқда. Республикамизда «Тармоқлар фаолиятини самарали бошқаришда стратегик таҳлил, режалаштириш ва прогноз тамойилларига асосланган узоқ муддатли давлат сиёсати Концепциясини ишлаб чиқиш»³ вазифаси белгиланган. Бу ўз навбатида истиқболда стратегик молиявий таҳлил асосида хўжалик юритувчи субъектлар фаолиятини стратегик молиявий режалаштириш амалиётини самарали ташкил этишни тақозо этмоқда.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 7 февралдаги ПФ-4947-сонли «Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегияси тўғрисида», 2018 йил 21 сентябрдаги ПФ-5544-сонли «2019-2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини инновацион ривожлантириш стратегиясини тасдиқлаш тўғрисида», 2019 йил 28 январдаги ПФ-5644-сонли «Мамлакатни ижтимоий-иқтисодий ривожлантиришнинг стратегик вазифалари амалга оширилиши самарадорлиги учун Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг масъулиятини оширишга доир биринчи навбатдаги чоратадбирлар тўғрисида»ги Фармонлари, 2018 йил 13 июлдаги ПҚ-3852-сонли «Жаҳон банки ва халқаро молия корпорациясининг «Бизнес юритиш» йиллик ҳисоботида Ўзбекистон Республикасининг рейтингини янада яхшилаш чоратадбирлари тўғрисида», 2018 йил 21 июлдаги ПҚ-3877-сонли «Ташқи молиялаштириш манбаларини диверсификациялаш бўйича қўшимча чоратадбирлар тўғрисида», 2019 йил 5 февралдаги ПҚ-4160-сонли «Жаҳон банки ва Халқаро молия корпорациясининг «Бизнес юритиш» йиллик ҳисоботида Ўзбекистон Республикасининг рейтингини яхшилашга доир қўшимча чоратадбирлар тўғрисида»ги Қарорлари ҳамда молиявий режалаштириш, молиявий стратегияни аниқ белгилаш орқали фаолиятни ривожлантириш, стратегик молиявий режалаштиришга қаратилган бошқа норматив ҳужжатларда белгиланган вазифаларни амалга оширишда мазкур диссертация тадқиқоти муайян даражада хизмат қилади.

Тадқиқотнинг республика фан ва технологиялари ривожланишининг устувор йўналишларига мослиги. Мазкур диссертация иши республика фан ва технологиялари ривожлантиришнинг I - «Демократик ва ҳуқуқий жамиятни маънавий-ахлоқий ва маданий ривожлантириш, инновацион иқтисодиётни шакллантириш» устувор йўналиши доирасида бажарилган.

Муаммонинг ўрганилганлик даражаси. Хўжалик юритувчи субъектларда молиявий режалаштиришни ташкил этишга доир муаммолар борасида қатор хорижлик олимлар томонидан тадқиқот ишлари олиб борилган. Жумладан, Ж.Берк ва П.Демарзолар қисқа муддатли молиявий режалаштиришга алоҳида эътибор қаратиб, унда молиявий сиёсат йўналишлари, айланма капитални бошқариш, банк кредитлари ёки қимматли қоғозлар орқали қисқа муддатли молиялаштириш масалаларига эътибор

³Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевнинг Олий Мажлисга Мурожаатномасидан. <http://uza.uz/oz/politics/zbekiston-respublikasi-prezidenti-shavkat-mirziyeevning-oliyas-28-12-2018>

қаратган⁴. А.Ж.Кеовн, Ж.Д.Мартин, Ж.В.Петтилар молиявий режалаштиришни молиявий бошқарув тизимида алоҳида босқич сифатида изоҳлаб, эътиборни асосий фаолият бўйича молиявий прогнозларни қамраб олган қисқа муддатли молиявий режалаштиришга қаратади⁵. Э.Ф.Бригхем, М.С.Эрхартлар молиявий режа ва операцион режада пул оқимлари ҳаракатига устуворлик касб этишига эътибор қаратган⁶. С.А.Росс, Р.В.Вестерфиелд, Б.Д.Жорданлар эса молиявий режалаштиришга комплекс ёндашган ҳолда узоқ муддатли ва қисқа муддатли молиявий режалаштириш йўналишлари хусусида фикр юритиб, молиявий режалаштириш ва молиявий ўсиш ўртасидаги боғлиқликни ўзида акс эттирган моделларга ҳам тўхталиб ўтади⁷.

Тадбиркорлик фаолияти билан шуғулланувчи субъектларда молиявий режалаштириш йўналишлари, хусусан, молиявий режалаштиришни ташкил этиш, стратегик молиявий режалаштириш, молиявий прогнозлаш, жорий молиявий режалаштириш, бюджетлаштириш, оператив молиявий режалаштириш масалалари Л.Г.Паштова ва бошқалар томонидан ҳам ўрганилган⁸. Молиявий менежмент бўйича россиялик етакчи олимлардан бири И.Я.Лукаевич молиявий режалаштиришнинг амал қилиш механизми, молиявий режалаштиришда қўлланиладиган методлар, молиявий кўрсаткичларни прогнозлаш, молиявий сиёсат ва барқарор ўсиш стратегияси кабиларни тадқиқ қилган⁹.

И.А.Бланк, А.М.Ковалёвалар томонидан корхоналарда истиқболли молиявий режалаштириш ёрдамида молиявий стратегияни шакллантириш масалалари¹⁰, А.Н.Гаврилова, А.А.Попов, С.Е.Кован, Л.П.Мокрова, А.Н.Ряховская, Л.М.Бурмистрова, И.Г.Добросердова, И.Н.Самонова, Р.Г.Попова, В.В.Ковалёв, Л.Н.Павлова, Г.Б.Поляк каби олимлар томонидан молиявий режалаштиришнинг умумий асослари бюджетлаштириш амалиёти масалалари¹¹ ёритиб ўтилган.

Мамлакатимиз иқтисодчи олимларидан А.В.Ваҳобов, А.Ўлмасов, Т.С.Маликов, О.О.Олимжонов, Н.Ҳ.Ҳайдаровлар томонидан молиявий

⁴Jonathan Berk, Peter DeMarzo. Corporate finance. 3rd edition. USA: Pearson, 2014. – P. 908-929.

⁵ Arthur J.Keown, John D. Martin, J.William Petty. Foundations of finance : the logic and practice of financial management. USA: Pearson, 2014. - 549 p.

⁶ Eugene F. Brigham/Michael C. Ehrhardt. Financial management. Theory &Practice. 15th ed. USA: Cengage, 2015. – 1180 p.

⁷Stephen A.Ross, Randolph W.Westerfield, Bradford D.Jordan. Fundamentals of corporate finance. 10thed. USA: McGraw-Hill, 2013. – 824 p.

⁸Под ред. Л.Г.Паштовой. Финансовое планирование в организациях. - М. “Кнорус”, 2019. – 274 с.

⁹Лукаевич И.Я. Финансовый менеджмент. В 2 ч. Часть 1. Учебник и практикум. – М. «Юрайт-М», 2019

¹⁰ Бланк И.А. Финансовый менеджмент. К.: “Ника-Центр”, 2004. 655 ст.; Ковалёва А.М. Финансы. М. «Финансы и статистика», 2005. – 384 ст.

¹¹ Гаврилова А.Н. Попов А.А. Финансы организаций (предприятий). М.: «Кнорус», 2007. – 608 ст; Кован С.Е., Мокрова Л.П., Ряховская А.Н. Теория антикризисного управления предприятием. М.: «Кнорус», 2009. – 160 ст.; Бурмистрова Л.М. Финансы организаций (предприятий). М.: «ИНФРА-М», 2009. – 240 ст.; Добросердова И.Г., Самонова И.Н., Попова Р.Г. Финансы предприятий. СПб: «Питер», 2010. – 159 ст.; Ковалёв В.В. Финансовый менеджмент: теория и практика. М.: «Проспект», 2007. ст. 1024 ст., Павлова Л.Н. Финансовый менеджмент. - М.: ЮНИТИ-ДАНА, 2003. – 270 ст.; Под ред. Поляка Г.Б. Финансы. М.: «ЮНИТИ-ДАНА», 2008. – 703 ст.

режалаштириш масалалари¹², Б.Э.Тошмуродова, С.Э.Элмирзаевлар томонидан молиявий режалаштиришнинг таркибий қисми сифатида солиқларни режалаштириш масалалари¹³ тадқиқ қилинган. Хўжалик субъектларида молиявий режалаштиришни ташкил этиш баъзи йўналишлари республикамиз олимлари томонидан ўрганилган, лекин уларни кенг миқёсда қўллаш бўйича илмий тадқиқот ишлари бугунги кунга қадар тўлиқ бажарилмаган. Ушбу жараёни янада чуқур тадқиқ этиш унинг долзарб муаммоларига ечим топишни талаб этади.

Диссертация мавзусининг диссертация бажарилган олий таълим муассасасининг илмий-тадқиқот ишлари режалари билан боғлиқлиги. Диссертация тадқиқоти Тошкент молия институтининг «Рақамли иқтисодиёт шароитида молия, банк ва ҳисоб тизимини мувофиқлаштиришнинг илмий асослари» мавзусидаги стратегик илмий тадқиқот мавзуси доирасида бажарилган.

Тадқиқотнинг мақсади тижорат фаолияти билан шуғулланувчи хўжалик субъектларида молиявий режалаштиришни ташкил этишни такомиллаштириш бўйича таклиф ва амалий тавсиялар ишлаб чиқишдан иборат.

Тадқиқотнинг вазифалари:

бозор иқтисодиёти шароитида хўжалик субъектларида молиявий режалаштиришнинг иқтисодий моҳияти, аҳамияти, принциплари ва асосий вазифаларини илмий-назарий жиҳатдан тадқиқ этиш;

корхоналарда молиявий режалаштиришнинг таснифланиши ва уларнинг хўжалик субъектлари молиявий барқарорлигини таъминлашдаги аҳамиятли жиҳатларини ёритиб бериш;

хўжалик субъектларида шакллантириладиган молиявий режаларнинг таснифланиши ва уларнинг иқтисодий аҳамиятини очиб бериш;

истикболга йўналтирилган узоқ муддатли молиявий режалаштиришни ташкил этишда молиявий стратегия ва унинг амалий аҳамиятини таҳлилий ўрганиш;

хўжалик субъектларида қисқа муддатли молиявий режалаштиришда бюджетлаштириш амалиётини ўрганиш;

хўжалик субъектларида молиявий режалаштиришни ташкил этишда стратегик молиявий таҳлилнинг асосий йўналишларини ўрганиб чиқиш;

иқтисодиётни модернизациялаш шароитида хўжалик субъектларида молиявий стратегияни шакллантириш хусусиятларини ёритиб бериш;

¹²Ўлмасов А., Ваҳобов А. Иқтисодиёт назарияси. Дарслик. – Т.: “Шарқ”, 2006. – 256 б.; Ваҳобов А.В., Маликов Т.С. Молия: умумназарий масалалар. Ўқув қўлланма. – Т.: “Iqtisod-moliya”, 2008. – 216 б.; Ҳайдаров Н. Молия. – Т.: “Академия”, 2001. – 72 б.; Moliya Oquv qo'llanma/T.S.Malikov; O'zR Oliy va o'rta maxsus ta'lim vazirligi. – Т.: “Iqtisod-Moliya”, 2018. –268 б.

¹³ Тошмуродова Б.Э. Иқтисодий тараққиётга эришишда солиқлардан самарали фойдаланиш. И.ф.д. илмий даражасини олиш учун дисс. автореферати. Тошкент – 2007.; Элмирзаев С.Э. Корпоратив молияни бошқаришда солиқ муносабатларини такомиллаштириш. . И.ф.д. илмий даражасини олиш учун дисс. автореферати. Тошкент – 2017.

хўжалик субъектларида молиявий режалаштиришни ташкил этишни такомиллаштириш йўналишларига қаратилган илмий таклиф ва амалий тавсиялар ишлаб чиқиш.

Тадқиқотнинг объекти сифатида Ўзбекистонда фаолият юритаётган акциядорлик жамиятлари олинган.

Тадқиқотнинг предмети хўжалик субъектларида молиявий режалаштиришни такомиллаштириш билан боғлиқ молиявий-иқтисодий муносабатлар ҳисобланади.

Тадқиқотнинг усуллари. Диссертацияда монографик кузатув, индукция, дедукция, истиқболли прогнозлаштириш, иқтисодий-математик усуллардан фойдаланилган.

Тадқиқотнинг илмий янгилиги қуйидагилардан иборат:

молиявий рискларни бошқариш механизми иқтисодий тизимга интеграциялашув, молиявий муносабатларнинг ўзаро мувофиқлиги, тўловга лаёқатлилиқ тамойилларини киритиш асосида такомиллаштирилган;

молиявий режалаштиришда стратегик молиявий таҳлилнинг норматив, кўп вариантлилиқ, балансли ҳисоб-китоблар ва пул оқимларини синхронлигини таъминлаш тартиблари асосида узоқ муддатли молиявий ҳолатни баҳолаш таклиф этилган;

иқтисодиёт тармоқлари ривожланишининг молиявий мақсадлари асосида молиявий таъминот, инвестицион самарадорлик, молиявий барқарорлик CIR, ROCE, TSR, ROE каби кўрсаткичлар асосида белгилаб берилган;

молиявий режалаштиришда натижадорликка эришиш молиявий ресурсларни шакллантириш ва тақсимлаш, хавфсизликни таъминлаш ва бошқарувнинг сифатини ошириш бўйича доминант соҳалари асосида такомиллаштирилган;

хўжалик субъектида самарадорлик ва узвийликка эришишда рискларни ҳисобга олиш асосида молиявий режалаштириш таърифи такомиллаштирилган.

Тадқиқотнинг амалий натижаси қуйидагилардан иборат:

тадбиркорлик фаолияти билан шуғулланувчи ҳар бир хўжалик субъектида молиявий режалаштириш тамойилларига қатъий амал қилиниши таклиф этилган;

молиявий режалаштиришнинг ҳар бир босқичини ўзаро узвийликда ишлаб чиқиш ва аниқ муддатлар бўйича амалга оширилишини таъминлаш таклифи ишлаб чиқилган;

стратегик молиявий таҳлил методларининг истиқболли молиявий режалаштиришда қўлланилганлиги молиявий-хўжалик фаолияти билан боғлиқ молиявий рискларни бошқариш имкониятлари очиб берилган;

оператив молиявий режалаштириш ва бюджетлаштириш амалиётининг қўлланилиши таклиф этилган;

Тадқиқот натижаларининг ишончлилиги тижорат асосида фаолият кўрсатувчи хўжалик субъектларида молиявий режалаштиришни ташкил этишнинг назарий ва амалий муаммоларига бағишланган тадқиқот

муаллифларининг илмий қарашларини ўрганиш, соҳадаги хорижий давлатлар ва хорижий компаниялар илғор тажрибаларини тадқиқ этиш, эксперт баҳолаш натижаларига, Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги, Ўзбекистон Республикаси Марказий банки, Ўзбекистон Республикаси Иқтисодиёт ва саноат вазирлиги, Давлат статистика қўмитаси, акциядорлик жамиятлари статистик маълумотлари ҳамда ҳисоботларига асосланганлиги билан белгиланади.

Тадқиқот натижаларининг илмий ва амалий аҳамияти. Тадқиқот натижаларининг илмий аҳамияти диссертацияда ишлаб чиқилган илмий-назарий хулоса, таклиф ва амалий тавсияларнинг тижорат асосида фаолият кўрсатувчи хўжалик субъектларида молиявий режалаштиришни ташкил этиш билан боғлиқ илмий тадқиқотларни амалга оширишда фойдаланиш мумкинлиги билан белгиланади. Шунингдек, тадқиқот натижаларидан тижорат асосида фаолият кўрсатувчи хўжалик субъектларида молиявий режалаштиришни ташкил этишнинг таркибий асослари, замонавий усуллари ва моделларини ишлаб чиқишда ва қўллашда, бу борада амалга оширилаётган махсус тадқиқот ишларида фойдаланиш мумкин.

Тадқиқот ишининг амалий аҳамияти ишлаб чиқилган илмий таклиф ва амалий тавсияларнинг жорий этилиши бевосита тадбиркорлик фаолияти билан шуғулланувчи хўжалик субъектларида молиявий стратегияни белгилаш, стратегик молиявий режалаштириш асосида барқарор ўсишни таъминлаш, фаолият давомийлигига ва натижадорлигига эришиш, тегишли мажбуриятларни белгиланган тартибда ўз вақтида бажариш кабиларга хизмат қилиши билан белгиланади.

Тадқиқот натижаларининг жорий қилиниши. Хўжалик субъектларида молиявий режалаштиришни ташкил этишни такомиллаштириш йўналишлари бўйича олинган илмий натижалар асосида:

молиявий рискларни бошқариш механизми иқтисодий тизимга интеграциялашув, молиявий муносабатларнинг ўзаро мувофиқлиги, тўловга лаёқатлилиқ тамойилларини киритиш ҳақидаги таклифи “Стратегик режалаштириш тўғрисида»ги Қонун лойиҳасининг 5-моддасини ишлаб чиқишда фойдаланилган (Иқтисодиёт ва саноат вазирлигининг 2019 йил 3 майдаги БУ-6-3-1/20-1093-сон маълумотномаси). Бу принципга амал қилиниши тармоқлар бўйича лойиҳалар амалга оширилишида юзага келиши мумкин бўлган рискларнинг олдини олишга хизмат қилган;

молиявий режалаштиришда стратегик молиявий таҳлил методлари, бизнес-режа ишлаб чиқиш ва молиявий режалар тузишда корхонанинг кучли томонлари, кучсиз жиҳатлари, имкониятлари, мавжуд хавф-хатарларни баҳолаш имконини берувчи SWOT-таҳлил ва хўжалик субъектлари молиявий-хўжалик фаолиятига таъсир кўрсатиши мумкин бўлган сиёсий, иқтисодий, ижтимоий ва техник-технологик омилларни баҳолашга қаратилган PEST-таҳлил методларидан фойдаланиш юзасидан илмий таклиф «Кварц» АЖ фаолиятини комплекс баҳолаш жараёнида фойдаланилган («Кварц» АЖнинг 2019 йил 14 майдаги 727-сон маълумотномаси). Бунинг

натижасида ички молиявий имкониятлар ва камчиликларга комплекс баҳо беришга ҳамда молиявий режалаштиришни ташкил этиш билан боғлиқ харажатларни оптималлаштиришга эришилган. Шунингдек «Кварц» АЖда 2,17 миллиард сўмлик дебиторлик ва 1,43 миллиард сўмлик кредиторлик қарзларининг олди олиниб, «Кварц» акциядорлик жамиятида молиявий режалаштиришда таъсир этувчи сиёсий, иқтисодий, ижтимоий ва технологик омилларга баҳо беришга эришилган;

иқтисодиёт тармоқлари ривожланишининг стратегик молиявий мақсадлари молиявий таъминот, инвестицион самарадорлик, молиявий барқарорлик бўйича молиявий кўрсаткичларини асосида белгилашга оид таклифи «Кўқон механика заводи» АЖ томонидан молиявий режалаштиришни ташкил этиш амалиётида фойдаланилган («Кўқон механика заводи» АЖнинг 2019 йил 10 майдаги 03-298-сон маълумотномаси). Бунинг натижасида Кузатув кенгаши томонидан стратегик молиявий режалаштиришни ташкил этиш амалиётида ижроия органининг масъулиятини аниқ белгилаш орқали акциядорлик жамиятлари фаолият самарадорлиги ва тўлов интизомига қатъий риоя қилиниши таъминланган;

молиявий режалаштиришда натижадорликка эришиш молиявий ресурсларни шакллантириш ва тақсимлаш, хавфсизликни таъминлаш ва бошқарувнинг сифатини оширишга оид таклифи «Кварц» АЖ томонидан амалиётга жорий этилган. («Кварц» АЖ нинг 2019 йил 14 майдаги 727-сон маълумотномаси). Мазкур таклифни жорий қилиниши натижасида мутлақ ликвидлик, молиявий мустақиллик коэффицентлари ва тўлов қобилияти таъминланган;

молиявий режалаштириш тушунчасига муаллифлик таърифи бўйича таклиф 5А230602 - Корпоратив молия ва қимматли қоғозлар бозори (соҳалар бўйича) мутахассислиги талабалари учун тавсия этилган “Корпоратив молия стратегияси” фани бўйича муаллиф томонидан ёзилган дарсликка киритилган (Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирлигининг 2019 йил 2 майдаги 394-сон буйруғи билан тасдиқланган 394-018 - сонли гувоҳнома). Ушбу таърифнинг жорий қилиниши молиявий режалаштиришнинг назарий-услубий жиҳатларини такомиллаштиришга ҳамда таълим сифатини оширишга хизмат қилган.

Тадқиқот натижаларининг апробацияси. Мазкур тадқиқот натижалари 12 та, жумладан, 8 та республика ва 4 та халқаро илмий-амалий конференцияларда муҳокамадан ўтказилган ва ижобий баҳоланган.

Тадқиқот натижалари асосида шакллантирилган илмий-назарий хулоса ва таклифлар «Молия», «Корпоратив молия», «Бизнес молияси», «Корпоратив молия стратегияси» каби фанларнинг ўқув дастурларини такомиллаштиришда фойдаланилмоқда.

Тадқиқот натижаларининг эълон қилиниши. Диссертация мавзуси бўйича жами 10 та илмий иш, жумладан, битта монография, Ўзбекистон Республикаси Олий аттестация комиссиясининг диссертациялар асосий илмий натижаларини чоп этиш тавсия этилган илмий

нашрларда 9 та илмий мақола, шундан 7 та республика журналларида ва 2 та хорижий журналда чоп этилган.

Диссертациянинг тузилиши ва ҳажми. Диссертация иши кириш, учта боб, хулоса ва фойдаланилган адабиётлар рўйхатини ўз ичига олган ҳолда 128 бетдан иборат.

ДИССЕРТАЦИЯНИНГ АСОСИЙ МАЗМУНИ

Кириш қисмида диссертация мавзусининг долзарблиги ва зарурати асосланган, тадқиқотнинг мақсади ва вазифалари, объекти ва предмети белгилаб олинган, республика фан ва технологиялари ривожланишининг устувор йўналишларига мослиги кўрсатилган, тадқиқотнинг илмий янгилиги ва амалий натижалари акс эттирилган, олинган натижаларнинг назарий ва амалий аҳамияти очиқ берилган, тадқиқот натижаларини амалиётга жорий қилиш, нашр этилган ишлар ва диссертация тузилиши бўйича маълумотлар келтирилган.

Диссертациянинг **«Хўжалик субъектларида молиявий режалаштиришни ташкил этишнинг назарий жиҳатлари»** деб номланган биринчи бобида хўжалик субъектларида молиявий режалаштиришнинг моҳияти, принциплари, мақсад ва вазифалари, корхоналарда молиявий режалаштиришнинг таснифланиши ва уларнинг ўзига хос хусусиятлари, хўжалик субъектларида шакллантириладиган молиявий режаларнинг таснифланиши ва уларнинг иқтисодий аҳамияти тадқиқ қилинган ҳамда тегишли назарий хулосалар шакллантирилган.

Молиявий режалаштириш корхона молиясини бошқариш тизимининг ажралмас қисмидир. Чунки, молиявий режалаштириш хўжалик субъектининг ишлаб чиқариш, инвестицион ва молиявий фаолиятида қарор қабул қилиш асосларини таъминлайди. Молиявий режалаштиришнинг корхоналар фаолияти учун алоҳида долзарблиги шундаки, у кескин рақобат шароитида узлуксиз ривожланиш йўлини белгилаб беради. Ҳозирги вақтга қадар хўжалик субъектларида молиявий режалаштириш алоҳида тадқиқот мавзуси сифатида ўрганилмаганлиги ҳам ўрганилаётган соҳанинг долзарблигини ўзида акс эттиради.

Бозор иқтисодиёти талаб ва тақлиф, шунингдек рақобат қонуниятлари асосида тартибга солинишидан келиб чиққан ҳолда кўп ҳолатларда бозор иқтисодиёти шароитида режали иқтисодиётдан тубдан фарқ қилган ҳолда режалаштириш, хусусан, молиявий режалаштиришга ҳеч қандай ўрин йўқ, деб эътироф этилади. Лекин иқтисодиёт цикллари натижасида юзага келадиган молиявий-иқтисодий инқирозлар тижорат асосида фаолият кўрсатувчи хўжалик юритувчи субъектлар миқёсида молиявий режалаштиришдан воз кечиш оқибатларини ҳамда молиявий режалаштиришнинг хўжалик субъектлари фаолиятидаги ўрни нақадар муҳим эканлигини кўрсатиб берди. Молиявий режалаштиришнинг нотўғри ташкил этилиши бир томондан бозорнинг маълум бир маҳсулотга нисбатан тўйиниши, иккинчи томондан эса бошқа бир маҳсулотга нисбатан

тақчилликнинг юзага келишига олиб келади. Фикримизча, бозор мувозанатини таъминлашда, энг аввало, молиявий режалаштиришни тўғри ташкил этиш лозим. Бунинг учун эса, аввало, молиявий режалаштиришнинг иқтисодий моҳияти ҳамда мақсад ва вазифаларини чуқур англаш мақсадга мувофиқ.

1-жадвал

Молиявий режалаштириш бўйича назарий қарашлар¹⁴

Муаллифлар	Молиявий режалаштиришга назарий қарашлар
А.В.Ваҳобов, Т.С.Маликов ¹⁵	Молиявий режалаштириш - молиявий ресурсларнинг баланслилигини ва пропорционалигини таъминлашга қаратилган фаолият.
В.В.Ковалёв ¹⁶	Режалаштириш аниқ мақсадли механизмлар ишлаб чиқиш ва қабул қилиш ҳамда ишлаб чиқилган механизмлар муваффақиятига эришишнинг энг самарали йўллари аниқлаш жараёнини ўзида акс эттиради. Қўйилган мақсадлардан келиб чиққан ҳолда ишлаб чиқилган бу механизмлар яхлит кўринишда мазкур бошқарув даражаси кутаётган истиқболни характерлайди ва улар учун ҳал қилувчи аҳамиятга эга кўрсаткичлар тизимини акс эттиради
Л.Н.Павлова ¹⁷	Молиявий режалаштириш – корхона, унинг бўлинмаси ёки алоҳида лойиҳа доирасида молиявий ресурслар ҳажми ва уларни тақсимлаш ўртасидаги баланслиликни таъминлаш жараёнидир. Молиявий режалаштириш объекти сифатида молиявий ресурслар, хусусан жами фойда юзага келади
Л.Г.Паштова ¹⁸	Молиявий режалаштириш - бир томондан молиявий ресурсларни жалб қилиш, тақсимлаш ва фойдаланиш жараёнини бошқаришга қаратилган ташкилот молиявий фаолиятини амалга оширишнинг муҳим йўналиши, иккинчи томондан эса молиявий режалаштириш ташкилотда режалаштиришнинг умумий тизими муҳим қисми сифатида барча режалар, хусусан, ишлаб чиқариш, маркетинг ва бошқа режалар билан узвий боғлиқ
С.А.Росс, Р.В.Вестерфилд, Б.Д.Жордан ¹⁹	Молиявий режалаштириш - молиявий мақсадларга эришиш йўлини белгилайди
А.Ж.Кеовн, Ж.Д.Мартин, Ж.В.Петти ²⁰	Молиявий режалаштиришга корпоратив молиявий бошқарув тизимидаги алоҳида босқич сифатида ёндашади ва унда асосий фаолият бўйича молиявий прогнозларга эътибор қаратади
Э.Ф.Бригхем, М.С.Эрхарт ²¹	Молиявий режанинг энг асосий икки компоненти сифатида операцион режа ва молиявий режа кўрилади

¹⁴ Бошқа муаллифлар маълумотларини умумлаштирган ҳолда муаллиф томонидан тузилди.

¹⁵Ваҳобов А.В., Маликов Т.С. Молия: умумназарий масалалар. Ўқув қўлланма. – Т.: “Iqtisod-moliya”, 2008. – 216 б.

¹⁶Ковалёва А.М. Финансы. М. «Финансы и статистика», 2005. – 384 ст.

¹⁷Павлова Л.Н. Финансовый менеджмент. - М.: ЮНИТИ-ДАНА, 2003. – 270 ст.

¹⁸Под ред. Л.Г.Паштовой. Финансовое планирование в организациях. - М. “Кнорус”, 2019. – 274 с.

¹⁹Stephen A.Ross, Randolph W.Westerfield, Bradford D.Jordan. Fundamentals of corporate finance. 10thed. USA: McGraw-Hill, 2013. – 824 p.

²⁰Arthur J.Keown, John D. Martin, J.William Petty. Foundations of finance : the logic and practice of financial management. USA: Pearson, 2014. - 549 p.

²¹Eugene F. Brigham/Michael C. Ehrhardt. Financial management. Theory &Practice. 15th ed. USA: Cengage, 2015. – 1180 p.

Бугунги кундаги молиявий глобаллашув ва жаҳон иқтисодиётига интеграциялашув шароитида молиявий режалаштириш жараёни нафақат молиявий ресурслар ҳаракатини тўғри ташкил этиш, шу билан бирга режалаштириш асосида ишлаб чиқилган механизмларни амалга ошириш жараёнида юзага келиши мумкин бўлган ҳар қандай кутилмаган ҳолатларни кўра билиш ва баҳолай олишни ҳам ўз ичига олиши лозим. Бунда асосий эътибор корхоналар фаолияти давомида юзага келиши ҳамда молиявий-хўжалик фаолиятига таъсир кўрсатиши мумкин бўлган молиявий рискларга ҳам қаратилиши лозим.

Молиявий режалаштиришнинг моҳиятини ёритганда айнан молиявий рискларни камайтиришга ҳам эътибор қаратиш мақсадга мувофиқдир. Шунингдек, молиявий режалаштириш, аввало, такрор ишлаб чиқариш жараёнини пул билан таъминлашга хизмат қилишини ҳам унутмаслик лозим. Шу боисдан юқорида бу соҳага эътиборини қаратган иқтисодчи олимларнинг фикрларини умумлаштирган ва тўлдирган ҳолда молиявий режалаштириш тушунчасига қуйидагича таъриф бериш лозимлиги таъкидланди: молиявий режалаштириш – хўжалик субъектида самарадорлик ва узвийликка эришиш мақсадида молиявий рискларни ҳисобга олган ҳолда пул оқимлари ҳаракатини ташкил этиш, молиявий ресурсларни шакллантириш ва тақсимлашга қаратилган режалаштиришнинг алоҳида муҳим йўналишидир.

Молиявий режалаштиришнинг бош мақсади молиявий ресурслардан фойдаланиш самарадорлигини ошириш орқали молиявий кўрсаткичлар ўсишини таъминлашдир. Молиявий режалаштиришнинг моҳияти, мақсад ва вазифаларидан келиб чиққан ҳолда иқтисодиётни модернизациялаш шароитида хўжалик юритувчи субъектлар миқёсида молиявий режалаштиришни қуйидаги йўналишлар асосида ташкил этиш лозим:

хўжалик субъекти тараққиётининг асосий тенденцияларини аниқлаш ва уларни амалга ошириш чора-тадбирларини ишлаб чиқиш;

кескин рақобат шароитида инқироз (банкротлик) ҳолатлари олдини олиш ва молиявий рискларни камайтириш бўйича чора-тадбирларни белгилаш;

хўжалик субъекти миқёсида истиқболли, жорий ва оператив (тезкор) режалаштиришни йўлга қўйиш ва режалаштирилган кўрсаткичларга эришиш технологияларини ишлаб чиқиш;

инвестицияларнинг аҳамиятидан келиб чиққан ҳолда хўжалик субъектига инвестициялар жалб қилиш ёки хўжалик субъектининг маблағларини инвестицион фаолиятга йўналтириш бўйича чора-тадбирлар белгилаш.

Юқоридагиларни умумлаштирган ҳолда хўжалик субъектларида молиявий режалаштириш умумий корпоратив тизимга интеграциялашуви, муддатларнинг ўзаро молиявий муносабатларга мувофиқлиги, тўловга лаёқатлилиги, капитал қўйилмаларнинг рентабеллиги, рискларни ҳисобга олиш, бозор талаби (эҳтиёжи)ни ҳисобга олиш, молиявий режалаштиришнинг узлуксизлиги принциплари асосида ташкил этилиши лозим.

Молиявий режалаштириш хўжалик субъектларида аниқ мақсадни

белгилашга ва ушбу мақсадга эришишга тўсқинлик қилувчи молиявий рискларни аниқлаш ва уларни камайтириш бўйича чора-тадбирларни белгилашга, энг асосийси, бозор мувозанатини таъминлашга хизмат қилади. Бу эса, ўз навбатида, мамлакат ижтимоий-иқтисодий тараққиёти учун алоҳида аҳамият касб этади.

Молиявий режалаштиришда стратегик режалаштиришнинг асосий вазифалари бўлиб, режалаштириш объектини аниқлаш, алоҳида тартиб бўйича маъмурий ва стратегик режалардан фойдаланган ҳолда молиявий режалар тизимини ишлаб чиқиш, зарур молиявий ресурслар миқдори, ички ва ташқи молиялаштириш манбалари, қўшимча молиялаштириш бўйича маблағлар захираси ҳажмини аниқлаш ҳисобланади.

Тадқиқотлар асосида корхоналарда молиявий режалаштиришни ташкил этиш жараёнида қуйидаги учта тизимга эътибор қаратиш мақсадга мувофиқлиги аниқланган (2-жадвал).

2-жадвал

Молиявий режалаштириш тизими ва ишлаб чиқиладиган режалар шакли²²

Молиявий режалаштириш тизими	Ишлаб чиқиладиган молиявий режалар шакли	Режалаштириш муддати
Истиқболли молиявий режалаштириш	Корпоратив молия стратегияси	3-5 ва ундан ортиқ муддатга
Жорий режалаштириш	Даромадлар ва харажатлар тўғрисидаги ҳисобот прогнози Пул маблағлари ҳаракати прогнози Бухгалтерия баланси прогнози	1 йил
Тезкор режалаштириш (бюджетлаштириш)	Тўлов календари, Солиқ календари, Касса режаси, Қисқа муддатли кредит ресурсларига бўлган эҳтиёжнинг ҳисоб-китоби (кредит режаси)	Декада, ой, чорак

Истиқболли молиявий режалаштириш ўзида корхонанинг муҳим молиявий мақсадларини ҳамда уларга эришишнинг асосий йўналишларини қамраб олади. Истиқболли молиявий режалаштириш ва тезкор қарор ўртасидаги ўзаро боғлиқликни таъминлаш молиявий режалаштириш амалиётидаги энг долзарб масалалардан биридир. Истиқболли молиявий режалаштириш умумий режалаштириш тизими учунгина эмас, балки унинг ҳолати аниқ бир қарорларга ўтказилиши орқали ўз ечимига бўлишини таъминлаш мақсадга мувофиқдир. Стратегиянинг қанчалик тўғри ёки

²²Муаллиф тадқиқотлари асосида тузилган.

нотуғри ишлаб чиқилганлигини, инвестициялар қанчалик тезроқ қопланишини молиявий режалаштириш жараёнининг кейинги босқичи ҳисобланган бизнес ёки жорий режалаштириш ўзида акс эттиради.

Молиявий фаолиятни жорий режалаштириш тизими ишлаб чиқилган стратегия ва молиявий фаолиятнинг алоҳида жиҳатлари бўйича молиявий сиёсат негизида амалга оширилади. Бу режалаштириш тизимининг вазифаси жорий молиявий режанинг аниқ шакллари ишлаб чиқишдан, корхона ривожланиши олдида турган барча молиялаштириш манбаларини аниқлаш, даромадлар ва харажатлар таркибини шакллантириш, корхонанинг доимий тўловга лаёқатлилигини таъминлаш, режалаштирилган давр якуни, унинг активлари ва капиталлари таркибини олдиндан аниқлашдан иборат. Молиявий фаолиятнинг жорий режаси жорий молия йили чораклари бўйича ишлаб чиқилади.

Диссертациянинг иккинчи боби «**Хўжалик субъектларида молиявий режалаштиришнинг амалдаги ҳолати таҳлили**» дея номланиб, унда истиқболли молиявий режалаштиришни ташкил этишда корпоратив молия стратегияси ва унинг амалий аҳамияти аниқланган, хўжалик субъектларида қисқа муддатли молиявий режалаштириш амалиёти ва унда эътибор қаратиладиган жиҳатлар белгиланган, хўжалик субъектларида молиявий режалаштиришни ташкил этишда ички ва ташқи молиявий муҳит таҳлили амалга оширилган. Боб якунида амалдаги ҳолатлар ва муаммоли жиҳатлар асосида хулосалар келтирилган.

Хўжалик субъектлари миқёсида молиявий стратегияни шакллантириш ва амалга ошириш ҳам микродаражада, ҳам макродаражада тараққиётни таъминлашга хизмат қилади. Корхоналарнинг иқтисодий ривожланишини таъминлашда стратегиянинг аҳамиятини молиявий мақсадларни амалга ошириш механизмини белгилаб бериш, реал имкониятларни баҳолаш, ички имкониятлардан максимал фойдаланиш ва молиявий ресурсларнинг тезкор айланувчанлигини таъминлаш бўйича чора-тадбирларни ишлаб чиқиш, тез ўзгарувчан ташқи омилларнинг юзага келиши жараёнида янги истиқболли инвестицион имкониятлардан тезкорлик билан фойдаланиш корхоналар ривожланишининг ҳар бир йўналиши бўйича таъсир қилувчи ташқи омилларни ҳисобга олиш, фаолият бўйича салбий оқибатларни минимум даражада пасайтириш, рақобатчилар доирасида молиявий фаолият кўрсаткичларини солиштириш, корхона молиявий бошқарувида, унинг стратегик, жорий ва оператив бошқариш босқичларининг ўзаро боғлиқлигини таъминлаш, муҳим молиявий бошқарув қарорларини қабул қилишда ҳамда уларни баҳолашда кўриш мумкин.

Корпоратив молия стратегиясида молиявий ривожланишнинг доминант соҳалари сифатида молиявий ресурсларни шакллантириш стратегияси, молиявий ресурсларини тақсимлаш стратегияси, молиявий хавфсизликни таъминлаш стратегияси, молиявий фаолиятни бошқаришнинг сифатини ошириш кабиларга эътибор қаратилади (3-жадвал).

**Корхона истиқболли молиявий ривожланишининг доминант соҳа
(йўналиш)лари тавсифи²³**

№	Корхона умумий молиявий стратегияси доминант соҳа (йўналиш)лари	Истиқболли молиявий қарорлар ишлаб чиқишнинг бош вазифалари	Стратегик молиявий муаммоларни ҳал қилиш доираси
1	Молиявий ресурсларни шакллантириш стратегияси	Корхона молиявий ресурсларини унинг стратегик ривожланиш эҳтиёжларига мос равишда шакллантириш имкониятини яратиш	1.1. Молиявий ресурсларининг ички манбалар ҳисобидан шаклланиш имкониятини ўстириб боришни таъминлаш. 1.2. Зарур «молиявий эгилувчанлик»ни таъминлаш (ташқи молиялаштириш манбаларидан фойдаланиш имконияти мавжудлиги). 1.3. Молиявий ресурслари шаклланиш манбалари таркибини уларнинг қиймат мезонлари бўйича оптималлаштириш.
2	Молиявий ресурсларни тақсимлаш стратегияси	Корхона молиявий ресурслари тақсимланишини улардан фойдаланиш самарадорлиги мезонлари бўйича оптималлаштириш	2.1. Хўжалик фаолиятининг кўринишлари ва асосий йўналишлари бўйича молиявий ресурсларнинг зарур мутаносибликда тақсимланишини таъминлаш. 2.2. Корxonанинг стратегик хўжалик бирликлари бўйича молиявий ресурсларнинг зарур мутаносибликда тақсимланишини таъминлаш. 2.3. Молиявий ресурслардан фойдаланиш жараёнида уларнинг юқори самарадорлик қайтимини таъминлаш.
3	Молиявий хавфсизликни таъминлаш стратегияси	Корxonанинг стратегик ривожланиш жараёнида молиявий барқарорликни таъминлаш	3.1. Доимий тўловга лаёқатлилигини таъминлаш. 3.2. Етарли молиявий барқарорликни таъминлаш. 3.3. Молиявий рискларнинг мумкин бўлган салбий оқибатларини бартараф этиш. 3.4. Инқирозли ривожланиш шароитида корxonани молиявий соғломлаштиришнинг зарур чора-тадбирларини амалга ошириш.
4	Молиявий фаолиятни бошқаришнинг сифатини ошириш стратегияси	Стратегик истиқболда корхона молиявий фаолиятини бошқаришнинг сифатни ошириш шарт-шароитлари тизимини шакллантириш	4.1. Молиявий менежерлар юқори даражадаги квалификациясини таъминлаш. 4.2. Ривожлантириш бўйича муқобил молиявий қарорлар ишлаб чиқишнинг ахборот базаларини таъминлаш. 4.3. Молиявий фаолиятни бошқаришда замонавий техник воситаларидан, илғор молиявий технологиялар ва инструментларни жорий этиш ва самарали фойдаланиш. 4.4. Молиявий фаолиятни бошқаришнинг самарали ташкилий тузилмаларини ишлаб чиқиш. 4.5. Молиявий менежерлар юқори даражадаги ташкилий маданиятини таъминлаш.

Корхоналарда молиявий стратегияни ишлаб чиқиш ва амалга ошириш жараёни молиявий стратегияни шакллантиришнинг умумий даврини аниқлаш, ташқи молиявий муҳит билан боғлиқ омилларни тадқиқ қилиш, молиявий фаолиятнинг кучли ва кучсиз томонларини баҳолаш, стратегик молиявий позициясини комплекс баҳолаш, молиявий фаолиятнинг стратегик мақсадларини шакллантириш, молиявий фаолиятнинг мақсадли стратегик меъёрларини ишлаб чиқиш, асосий стратегик молиявий қарорларни қабул қилиш, ишлаб чиқилган молиявий стратегияни баҳолаш, молиявий стратегияни амалга оширишни таъминлаш, молиявий стратегия амалга оширилишини назорат қилиш каби босқичлар асосида амалга оширилиши мақсадга мувофиқ.

²³ Муаллиф тадқиқотлари асосида тузилди.

«Кварц» АЖ бўйича молиявий натижаларнинг режага нисбатан бажарилиши (млн.сўм, фоизда)²⁴

Кўрсаткичлар	2014 йил			2015 йил			2016 йил			2017 йил			2018 йил		
	Режада	Ҳақиқатда	Ўзгар., %	Режада	Ҳақиқатда	Ўзгар., %	Режада	Ҳақиқатда	Ўзгар., %	Режада	Ҳақиқатда	Ўзгар., %	Режада	Ҳақиқатда	Ўзгар., %
Маҳсулот (товар, иш ва хизмат)ларни сотишдан соф тушум	134743,9	139768,7	103,7	189872,2	221825,3	116,8	175218,0	229451,7	131,0	251414,4	299064,1	119,0	295127,1	299628,7	101,5
Сотилган маҳсулот (товар, иш ва хизмат)ларнинг таннархи	84736,4	82562,6	97,4	138115,0	139437,1	101,0	126449,2	134285,7	106,2	148411,3	141161,6	95,1	179111,9	168629,9	94,1
Маҳсулот (товар, иш ва хизмат)ларни сотишнинг ялпи фойдаси (зарари)	50007,5	57206,1	114,4	51757,2	82388,3	159,2	48768,8	95165,9	195,1	103003,2	157902,6	153,3	116015,3	130998,8	112,9
Давр харажатлари	29882,3	28658,7	95,9	35508,2	33025,7	93,0	32569,8	35248,9	108,2	52740,2	50661,9	96,1	58152,5	57654,7	99,1
Сотиш харажатлари	5549,7	4034,8	72,7	5295,3	4946,5	93,4	4848,5	4503,6	92,9	5428,8	7194,5	132,5	7939,8	8231,3	103,7
Маъмурий харажатлар	5134,2	4971,0	96,8	5844,7	6082,7	104,1	5398,9	6003,3	111,2	7514,0	8313,1	110,6	9644,7	10719,7	111,1
Бошқа операцион харажатлари	19198,4	19652,9	102,4	24368,1	21996,5	90,3	22322,4	24741,9	110,8	39797,5	35154,3	88,3	40568,1	38703,6	95,4
Асосий фаолиятнинг бошқа даромадлари	519,6	854,4	164,4	4188,2	5326,1	127,2	3674,9	4463,0	121,4	5326,1	3271,0	61,4	1223,8	2585,0	211,2
Асосий фаолиятдан молиявий натижа	20644,8	29401,8	142,4	20437,2	54688,7	267,6	19873,9	64380,1	323,9	55589,1	110511,6	198,8	59086,5	75929,3	128,5
Молиявий фаолиятдан даромадлар	1216,1	2362,7	194,3	2290,7	1709,9	74,6	2095,0	2446,1	116,8	6461,4	6754,6	104,5	2664,2	16467,0	618,1
Фоишлар шаклидаги даромадлар	1329,1	2094,4	157,6	2601,4	3032,3	116,6	2372,4	3548,8	149,6	7344,5	9545,9	130,0	3684,3	15141,4	411,0
Валюта курси фарқидан даромадлар	-	268,3	-	77,7	270,0	347,4	60,3	370,6	614,9	270,0	1830,9	678,0	615,5	1325,6	215,4
Молиявий фаолият харажатлари	113,0	1417,5	1254,4	388,4	1593,7	410,3	337,6	1474,3	436,7	1153,1	34835,8	3021,1	1635,6	1286,9	78,7
Фойда солиғини тўлашга қадар фойда	21860,9	30347,0	138,8	22727,9	56398,5	248,1	21968,9	66826,2	304,2	62050,5	117266,2	189,0	61750,7	91109,4	147,5
Солиқ солинадиган фойда	21996,1	30380,3	138,1	22869,6	8989,2	39,3	22099,7	71211,6	322,2	76087,1	118509,8	155,8	60387,1	91109,4	150,9
Фойда солиғи	1759,7	2430,4	138,1	1715,3	4261,1	248,4	1657,5	5074,7	306,2	5706,5	8888,2	155,8	8454,2	8562,5	101,3
Бошқа солиқлар	1759,7	2430,4	138,1	1692,3	4170,9	246,5	1635,4	4940,1	302,1	5630,4	8651,5	153,7	-	8400,0	-
Соф фойда	18476,7	25612,0	138,6	19320,2	47966,4	248,3	18676,1	56811,3	304,2	50713,5	99726,5	196,6	53296,6	82546,8	154,9

²⁴ АЖ бизнес режа ва молиявий натижалари тўғрисидаги ҳисоботлар асосида муаллиф томонидан тузилди.

Юқоридаги 4-жадвалда «Кварц» акциядорлик жамиятининг соф фойдаси 2018 йилда режага нисбатан 154,9 фоизга ўсган, 2014 йилда бу кўрсаткич 138,6 % ниташкил қилган. Бунга қуйидаги омиллар таъсир қилган: 2017 йил соф фойдаси тақсимооти тахминий режаси бизнес-режа бўйича 50713,5 млн.сўмни ташкил қилган. 2017 йил якуни бўйича молиявий ҳисоботларга мувофиқ соф фойда 88230,18 млн.сўм бўлиб, захира фондини тўлдиришга 4411,5(5%) млн. сўм сарфланган. Дивиденд сиёсати тўғрисидаги Низомга мувофиқ дивиденд учун йиллик соф фойдани дивиденд тўловига йўналтириладиган қисми 37056,68 млн.сўм (42%)ни ташкил қилган. Бошқа мақсадлар учун, шу жумладан, корхона ишлаб чиқариш қувватларини модернизация қилиш ва янги лойиҳаларни амалга оширишга 46 761,99 млн.сўм (53%) маблағ ажратилган. 2018 йилда «Кварц» АЖ давр харажатлари 57654,7 млн.сўмни ташкил этган бўлиб, 2014 йилга нисбатан давр харажатлари 28658,7 млн.сўмни (режага нисбатан 95,9 %, яъни камайган) ташкил қилган. Давр харажатлари таркибида сотиш харажатлари 4034,8 млн.сўм (режага нисбатан 72,7 фоиз, яъни камайган), маъмурий харажатлари 4971 млн.сўм (режага нисбатан 96,8 %, яъни камайган) ташкил қилган, бошқа операцион харажатлар 19652,9 млн.сўмни (режага нисбатан 102,4%, яъни ортган) ташкил этган. 2018 йилда давр харажатлари таркибида сотиш харажатлари 8231,3 млн.сўм (режага нисбатан 99,1%, яъни камайган), маъмурий харажатлар 10719,7 млн.сўм (режага нисбатан 111,1%, яъни ортган) ташкил қилган, бошқа операцион харажатлар 38703,6 млн.сўмни (режага нисбатан 95,4%, яъни камайган) ташкил этган. 2018 йилда давр харажатлари таркибининг асосий қисми операцион харажатларига тўғри келган. «Кварц» АЖнинг молиявий фаолият бўйича харажатлар 2018 йилда 1286,9 млн.сўмни ташкил этган. Бу кўрсаткич режага нисбатан 78,7%ни ташкил қилган, яъни камайган. Бу ижобий ҳолатдир.

5-жадвал

«Кварц» АЖда ROE кўрсаткичи таҳлили²⁵

№	Йиллар	Соф фойда, млн. сўмда	Хусусий капитал, млн. сўмда	ROE (Return On Equity), %да
1	2019 (1 ярим йил)	22 158,3	318 547,9	0,06
2	2018	82 589,2	272 001,2	0,3
3	2017	88 230,1	199 541,6	0,44
4	2016	56 185,0	136 739,6	0,41
5	2015	31 121,0	101 245,9	0,3

Акциядорлик жамиятининг соф фойдаси таҳлил даврида ўсиш

²⁵ Акциядорлик жамияти ҳисобот маълумотлари асосида муаллиф томонидан тузиб чиқилди

тенденцияси, шунга мос равишда хусусий капитал ҳажми ҳам ўсиш тенденциясига эга. «Кварц» АЖда 2015-2019 йиллар ROE (Return On Equity) коэффицентини таҳлил қилиб чиққанимизда, таҳлил қилинган 5 йил ичида 2017 йилда энг юқори натижага эришилган, яъни ROE коэффицентини 0,44га тенг бўлган.

Кейинги ўринда 2016 йил ROE коэффицентини 0,41га тенг бўлган. Энг паст кўрсаткич 2019 йил биринчи ярим йилига тўғри келади, яъни ROE коэффицентини 0,06 га тенг бўлган. ROE коэффицентини 2019 йилда ярим йилликдаги соф фойда кўрсаткичга нисбатан ҳисобланганлиги боис мазкур кўрсаткич ўтган йилларга нисбатан анча пастлигини кўришимиз мумкин. Умуман олганда, ROE (Return On Equity) коэффицентининг камайиб бориши акциядорлик жамияти учун салбий ҳолат ҳисобланади. Сабаби 1 сўмлик хусусий капиталга тўғри келадиган соф фойда камайишини билдиради.

Молиявий режалаштиришни ташкил этишда бюджетлаштириш амалиёти ҳам муҳим аҳамият касб этган ҳолда молиявий барқарорлик таъминланишига хизмат қилади. Бюджетлаштириш – бу корхоналарда молиявий режалаштиришнинг бир методидир. Бюджет режадаги мақсадларга эришиш учун жалб қилиниши лозим бўлган ресурслар ва уларнинг харажат йўналишлари акс этган келгуси давр даромадлари ва харажатларини тавсифлайдиган миқдорий кўрсаткичлар мужассам молиявий режани ўзида акс эттиради.

Кўйида б-жадвалда кўришиб турибдики, Акциядорлик жамиятининг соф фойдаси 2018 йилда 5754,6 млн. сўмни ташкил этган ҳолда 2014 йилда 9040,9 млн.сўм бўлган. Ўтган 4 йил вақт давомида «Қўқон механика заводи» акциядорлик жамияти фойдаси 63,6%га камайган. Бунга сабаб 2018 йилда «Қўқон механика заводи» АЖ давр харажатлари 10961,4 млн.сўмни ташкил этган бўлиб, 2014 йилга нисбатан давр харажатлари 6753,3 млн.сўм (160%) га ошган. Давр харажатлари таркибида сотиш харажатлари 306,3 млн.сўм (2,9%), Маъмурий харажатлар 3087,7 млн.сўм (28,1%), Бошқа операцион харажатлар 7567,4 млн.сўмни (69%)ни ташкил этган. 2018 йилда давр харажатлари таркибини асосий қисми бошқа операцион харажатларга тўғри келади. «Қўқон механика заводи» АЖ нинг молиявий фаолият бўйича харажатлар 2018 йилда 39,1 млн.сўмни ташкил этган. Бу кўрсаткич 2014 йилга нисбатан 213,9 млн.сўмга камайган. Асосий фаолиятдан олинган фойда 2018 йилда 6752,2 млн.сўм бўлиб, бу кўрсаткич 2014 йилга нисбатан 41,6% га камайган. 2018 йилда умумхўжалик фаолиятининг фойдаси 6787,7 млн.сўмни ташкил этган, бу кўрсаткич 2014 йилга нисбатан 38,99% га камайган. Ҳисобот даврининг соф фойдаси (зарари)ни таҳлил қиладиган бўлсак, 2014 йилда энг юқори кўрсаткични қайд этган бўлиб, таҳлил даврининг қолган йилларида ҳам ҳисобот даврида акциядорлик жамияти зарар билан чиқмаган, яъни, 2016 ва 2018 йилда режага нисбатан 62,2% ва 71,5%ни ташкил қилган ҳамда фойдага эришган.

б-жадвал

«Кўкон механика заводи» АЖ бўйича молиявий натижаларнинг режага нисбатан бажарилиши (фоизда, млн.сўм)²⁶

Кўрсаткичлар	2014 йил			2015 йил			2016 йил			2017 йил			2018 йил		
	Режада	Ҳақиқатда	Ўзгариш, %	Режада	Ҳақиқатда	Ўзгариш, %	Режада	Ҳақиқатда	Ўзгариш, %	Режада	Ҳақиқатда	Ўзгариш, %	Режада	Ҳақиқатда	Ўзгариш, %
Маҳсулот (товар, иш ва хизмат)ларни сотишдан соф тушум	45000,0	47167,3	104,8	52000,0	52060,5	100,1	58000,1	58687,3	101,2	64000,0	67700,0	105,8	70000,0	80370,8	114,8
Сотилган маҳсулот (товар, иш ва хизмат)ларнинг таннарихи	37462,1	34353,9	91,7	42949,2	38077,6	88,7	42456,6	45580,8	107,4	47101,5	50855,5	108,0	54516,3	66517,3	122,0
Маҳсулот (товар, иш ва хизмат)ларни сотишнинг ялпи фойдаси (зарари)	7537,9	12813,4	170,0	9050,8	13983,0	154,5	15543,5	13106,5	84,3	16898,5	16844,6	99,7	15483,7	13853,5	89,5
Давр харажатлари, жами, шу жумладан:	3710,9	4208,1	113,4	4706,7	5710,2	121,3	5510,0	6594,3	119,7	6842,3	7050,9	103,0	7134,7	10961,4	153,6
Сотиш харажатлари	251,9	343,0	136,1	281,2	410,1	145,8	334,3	471,9	141,2	489,7	489,7	100,0	449,2	306,3	68,2
Маъмурий харажатлар	734,4	951,6	129,6	920,5	1822,2	197,9	1112,8	1720,4	154,6	1787,4	2204,8	123,3	2198,9	3087,7	140,4
Бошка операцион харажатлар	2724,6	2913,4	106,9	3504,9	3477,9	99,2	4063,0	4402,0	108,3	4565,2	4356,5	95,4	4486,6	7567,4	168,7
Асосий фаолиятнинг бошка даромадлари	1500,0	2606,0	173,7	1620,5	2817,3	173,9	2067,3	3002,9	145,3	3300,0	3400,7	103,1	3405,3	3860,1	113,4
Асосий фаолиятнинг фойдаси (зарари)	3977,0	11211,3	281,9	5964,7	11090,1	185,9	12100,7	9515,0	78,6	13356,3	13194,4	98,8	11754,4	6752,2	57,4
Молиявий фаолиятнинг даромадлари, жами, шу жумладан:	85,0	165,4	194,6	190,0	81,2	42,7	60,0	25,3	42,2	120,0	45,0	37,5	30,0	74,6	248,6
Дивидендлар шаклидаги даромадлар	85,0	18,6	21,9	190,0	18,6	9,8	60,0	19,8	33,0	120,0	45,0	37,5	30,0	32,8	109,5
Молиявий фаолият бўйича харажатлар, шу жумладан:	210,0	253,0	120,5	226,2	538,5	238,1	390,0	2165,1	555,2	5947,0	4300,5	72,3	2279,9	39,1	1,7
Фоизлар шаклидаги харажатлар	150,0	211,3	140,9	180,0	10,2	5,7	10,0	135,6	1355,7	10,0	26,3	263,2	25,1	0,1	0,2
Узок муддатли ижара (лизинг) бўйича фоизлар шаклидаги харажатлар	60,0	40,7	67,9	46,2	64,1	138,8	200,0	62,3	31,1	177,0	187,3	105,8	254,9	16,0	6,3
Валюта курси фарқидан зарарлар	-	0,9	-	-	464,2	-	180,0	1967,3	1092,9	5760,0	4086,9	71,0	2000,0	23,1	1,2
Умумхужалик фаолиятнинг фойдаси (зарари)	3775,5	11123,8	294,6	5928,5	10632,8	179,3	11770,7	7375,2	62,7	7529,3	8938,9	118,7	9504,5	6787,7	71,4
